



О‘ЗБЕКИСТОН ТЕМИРYO‘ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2025-йил • 15-май • payshanba • № 19 (6548)

Temir yo‘llar
mamlakatimiz
iqtisodiyoti-
ning qon
tomiridir.

Gazeta 1933-yildan
chiqa boshlagan

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси 3.Нарзуллаев Хитой Халқ Республикасига ташрифи доирасида Пекин шаҳрида Хитой темир йўллари давлат маъмурияти раҳбари Фэй Дунбинь билан икки томонлама учрашув ўтказди.

ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ: МУҲИМ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Учрашувда томонлар ўртасидаги икки ва кўп томонлама ҳамкорлик муносабатлари муҳокама қилинди.

Музокаралар мобайнида икки давлат раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари, ўзаро стратегик ҳамкорлик сиёсати ва дўстона муносабатлари натижасида темир йўл соҳасидаги ҳамкорликнинг тез суръатларда ривожланиб бораётгани алоҳида қайд этилди.



Хусусан, ҳозирги кунда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) доирасида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти ташаббуси билан амалга оширилаётган “ШХТ-га аъзо давлатлар темир йўл маъмуриятлари раҳбарлари учрашуви” платформасини “ШХТ давлатлари темир йўл маконларини интеграциялаш Кенгаши”га трансформация қилиш ҳамда Кенгаш Дирекциясини Тошкент шаҳрида жойлаштириш лойиҳаси муҳокама қилинди.



Хитой темир йўллари давлат маъмурияти раҳбари Фэй Дунбинь мазкур ташаббуснинг муваффақиятли илгари сурилиши ва кейинги босқичларда ривожланиши учун уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини билдирди.

Учрашув якунида томонлар икки давлат темир йўл маъмуриятлари ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш мақсадида ҳамкорлиқни давом эттиришга қарор қилди.

Шунингдек, Жамият бошқаруви раисининг “China State Railway Group Co., Ltd” корпорацияси раиси Го Цзюсуэ билан икки томонлама учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда томонлар ўртасида темир йўл орқали юк ташишнинг ҳозирги ҳолати ва уни янада ошириш, “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” қурилиши, темир йўл коридорларини

ривожлантириш ва бошқа масалалар бўйича икки ва кўп томонлама ҳамкорлик муносабатлари муҳокама қилинди.



Музокаралар давомида икки давлат ўртасидаги юк ташиш ҳажми барқарор ўсаётганлиги алоҳида қайд этилиб, уни янада юксалтириш мақсадида амалдаги “Хитой – Қозоғистон – Ўзбекистон – Туркменистон – Эрон – Туркия ва Европа”, “Хитой – Қозоғистон – Ўзбекистон – Афғонистон” йўлакларини ҳамда “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон – Туркменистон – Эрон орқали Европа” ва “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон – Афғонистон – Покистон – Ҳинд океани портлари” йўналишида мультимодал транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича келишиб олдилар.

Натижада, томонлар ўртасида мавжуд транспорт коридорлардан самарали фойдаланиш ҳамда мультимодал ташувларни ривожлантириш юзасидан келишувга эришилди.

Шунингдек, “Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон” темир йўлини қуриш борасидаги саъй-ҳаракатларни эътироф этган ҳолда Ўзбекистон томони ушбу лойиҳанинг муваффақиятли амалга оширилишида фаол иштирок этишга ва айрим техник босқичлар бўйича масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёрлигини билдирди.



Учрашув якунида томонлар темир йўл соҳаси бўйича ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш ва мустақамлаш йўлида ҳамкорлиқни давом эттириш борасида келишувга эришилди.

УЛАРНИНГ ИБРАТЛИ ҲАЁТИ ВА ХИЗМАТЛАРИ – БИЗ УЧУН ФАХР ВА ФУРУРДИР!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 февралдаги “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси 3.Нарзуллаевнинг “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти пенсионерларини – Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги буйруғига асосан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига 15 миллион сўм миқдорида, Иккинчи жаҳон урушининг меҳнат fronti қатнашчиларига эса 3 миллион сўм миқдорида пул мукофоти берилиши белгиланди.

Таъкидлаш лозимки, уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларни ҳар қанча ардоқлаб, қадрига етиб, улуғласакда йил ўтган сари уларнинг сони камайиб бормоқда. Бугунги кунда темир йўл соҳасида ишлаб, нафақага чиққан иккинчи жаҳон урушида иштирок этганларнинг 4 нафари ҳаёт. Улардан Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган 98



ёшга тўлган Боқижон Назаров (“Ўзтемирйўлўловчи” акциядорлик жамияти), Самарқанд шаҳрида яшаётган ва 100

ёшни қаршилаган Евгения Кудина (“Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали), пойтахтимизда истиқомат қилаётган 98 ёшга тўлган Фёдор Федин (“Тошкент механика заводи” акциядорлик жамияти) ҳамда 100 ёшни қарши олган фарғоналик Усмонжон Раҳимов (“Қўқон минтақавий темир йўл узели” филиали) қолди холос. 2024 йилда 21 нафар фронт ортида меҳнат қилган темирйўлчилар бўлган бўлса, ҳозирда уларнинг 15 нафари ҳаёт.

Ўтган ҳафта “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Персонални бошқариш ва кадрларни тайёрлаш департаменти бошлиғи ўринбосари Шерзод Исмаилов ҳамда Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши раиси ўринбосари Маҳмуд Розимтов бошчилигида Тошкент

шаҳрида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган нафақадаги темирйўлчилар хонадонига бориб, уларнинг ҳолидан хабар олишди.

Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан дастлаб шаҳримизнинг Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, нафақадаги темирйўлчи 98 ёшга тўлган Боқижон Назаров хонадонига ташриф буюришди. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси 3.Нарзуллаевнинг табригини ўқиб эшиттириб, Жамият раҳбариятининг мукофоти – 15 миллион сўм пул ҳамда гулдастани тантанали топшириб, отахонга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва кейинги йилда ҳам соғ-саломат кўришиш насиби этишини тилашди.

Давоми 2-бетда ➡➡➡

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ

“ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ ТЕМИР ЙЎЛ УЗЕЛИ” ФИЛИАЛИДА БАҲОРГИ КЎРИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

“Темирйўлфратузилма” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси С.Норқабилов, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Ҳаракат хавфсизлиги ва меҳнат муҳофазаси назорати департаменти бошлиғи О.Қаршиев, “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи О.Хўдоёқулов бошчилигидаги комиссия аъзолари ўтган ҳафта икки кун мобайнида “Жиззах – Иржар”, “Жиззах – Бойтоғ – Чимқўрғон”, “Жиззах – Ховос” йўналишидаги станциялар, корхоналар ва хўжаликлар ҳолати, иншоот ва қурилмаларнинг созлиги, меҳнат муҳофазаси ҳамда ҳаракат хавфсизлиги талабларининг бажарилишини ўрганишди.



Ишчи-ходимларга яратилган шарт-шароитлар, рақамлаштириш жараёнлари ҳамда ҳаракат

хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, баҳорги кўрикка қўрилган та-

йёргарликлар кўздан кечирилди. Шунингдек, комиссия аъзолари “Чуқурсой” станцияси,




“14-рельс пайвандлаш”, Салар темир йўл масофаси, “203-тажриба йўл машина станцияси” корхоналарида ҳам бўлдилар.

Ҳар бир хўжаликнинг ҳолати, иншоот ва қурилмаларнинг созлиги, меҳнат муҳофазаси ҳамда ҳаракат хавфсизлиги талабларининг бажарилиши ўрганилди.

Ишчи-ходимларга яратилган шарт-шароитлар, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар кўздан кечирилди.

Кўрик давомида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича раҳбарият томонидан топшириқлар берилди.



ИБРАТЛИ СОҶА ХОДИМЛАРИ



Қаердадир поезд овози эшитилар, рельслар бўйлаб титроқ юрар, баланд қуёш остида темирйўлчиларнинг бағрикенг, мўъжаз дунёси ҳаётнинг шиддатини ўз сўзи билан ифодалар эди. Ана шундай дунё – изга тушган меҳнат йўлида йигирма йил, ўттиз йил эмас, қарийб ярим аср фаолият юритиб келаётган одамлар бор. Улардан бири Рустам Туйов.

МЕҲНАТ ЙЎЛИ – ТЕМИР ИЗЛАРДАЙ ТЎҒРИ ВА УЗЛУКСИЗ

ИЛК ҚАДАМЛАР ВА ТИНИМСИЗ МЕҲНАТ

Рустам ака меҳнат фаолиятини оддий муҳандисликдан бошлаган. Вақт ўтган сайин у темир йўл тизимидаги энг мураккаб ва масъулиятли вазифаларни сидқидилдан бажара бошлади. Йиллар ўтиб, кўникма, билим ва тажриба тўплади. Ҳар бир лойиҳа, ҳар бир бекат, ҳар бир темир йўл ўтказгичи ортида унинг ва жамоасининг заҳматли меҳнати бор.

У ҳозирда “Темирйўлинфратузилма” акциядорлик жамиятининг Бухоро темир йўл масофаси бошлиғи сифатида 788 нафар ишчи-ҳодимни бошқармоқда. Бу нафақат раҳбарлик, балки юсак масъулият ва меҳнатга, ишига бўлган муҳаббат талаб қилинадиган лавозимдир.



ИШ – ЮРАҚДАН БЎЛСА

Темир йўл – бу ҳаракат, рельслар, поездларгина эмас. Бу фидойилик, аҳиллик ва юракдан меҳнат қилишдир. 2022-2024 йилларда Бухоро темир йўл масофасининг 21 километрида ўрта таъмир ишлари, 18 километрида эса кўтарма таъмир ишлари амалга оширилди, 12 та темир йўл кесишмаси тубдан таъмирланди, 2 та станцияда йўқламахоналар қурилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Энг муҳими, бу ишлар ортида жонқуярлик билан иш олиб борган Рустам аканинг ўзи бор. Унинг раҳбарлигидаги ҳар бир натижа юсак ташкилотчилик ва шахсий масъулият самарасидир.



КАТТА ЛОЙИҲАЛАРДАГИ ҲИССА

Рустам ака нафақат ўз филиалида, балки бутун мамлакат миқёсидаги стратегик лойиҳаларда фаол иштирок этган. “Самарқанд – Бухоро”, “Ангрен – Поп”, “Бухоро – Мискин” темир йўл участкаларининг қурилишида, электрлаштириш ишларида унинг номи фахр билан тилга олинади.

Хусусан, “Пойкент – Ҳазирбобо” йўналишидаги 32 та темир йўл ўтказгичи ва 12 та кўриқланадиган кесишма қурилишидаги ҳиссаси катта. Бу линияда соатига 120 километр тезликда ҳаракатланаётган поездлар – унинг жонбозлиги самарасидир.

ИШ ЖОЙИДА – МЕҲНАТ, МАҲАЛЛАДА – ФАОЛЛИК

У корхонада иш унумдорлигини ошириш, ёқилғи ва электр энергиясидан тежамкорлик билан фойдаланиш, хавфсизликни таъминлашга доим устувор аҳамият қаратади. Шунингдек, маҳалладаги тадбирларда, ҳашар ва ҳомийлик ишларида ҳам доим пешқадам.

Рустам Туйов – Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясига амалий ҳисса қўшаётган ҳақиқий ватанпарвар, ислохотларга содиқ инсон.

ИБРАТЛИ ҲАЁТ, ИБРАТЛИ ШАХС

Рустам ака ибратли оила бошлиғи. Уч нафар фарзанднинг отаси сифатида ҳам юсак инсоний фазилатларга эгадир. Унинг ҳаёти ҳар бир инсон учун ибрат, ҳар бир ёш учун йўл-йўриқ бўлиши мумкин.

Дилрабо ТОЛИБОВА,
журналист

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУНИ

1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Ушбу қонуннинг мақсади
Ушбу қонуннинг мақсади темир йўл транспорти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Темир йўл транспорти тўғрисидаги қонунчилик
Темир йўл транспорти тўғрисидаги қонунчилик ушбу қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг темир йўл транспорти тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.



УЛАРНИНГ ИБРАТЛИ ҲАЁТИ ВА ХИЗМАТЛАРИ – БИЗ УЧУН ФАХР ВА ҒУРУРДИР!

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Шундан сўнг пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги обод маҳаллаларнинг бирида яшайдиган “Ўзтемирйўлмаштаъмир” акциядорлик жамиятидан нафақага чиққан фронт ортида хизмат қилган 96 ёшга кирган Мария Бебиченко ҳамда 97 ёшни қарши олган Абдуғафур Жалилов хонадонларига ташриф буюриб, уларга ҳам бошқарув раиси табригини ўқиб эшиттириб, 3 миллион сўмдан пул мукофотлари ҳамда “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Бошқаруви касаба уюшмаси қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди.

Меҳнат фахрийлари билан самимий суҳбат давомида фронт ортида босиб ўтган йўллари ва темир йўл соҳасида ишлаган даврлари ёдга олинди. Президентимизнинг кексаларга, уруш қатнашчиларига кўрсатаётган эътиборларидан мамнун эканликларини билдириб, йўқлаб келганларни ва темир йўл соҳасида ишловчи барча ходимларни машаққатли фаолиятларига ривож тилаб, дуолар қилиб қўзатдилар.

Жамият бошқаруви раиси буйруғига асосан республикамизнинг турли шаҳар ва вилоятларидаги минтақавий темир йўл узел-



лари ҳамда корхоналарнинг раҳбар ва мутахассислари, касаба уюшмаси қўмиталари раислари ҳудудларда истиқомат қилаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган темирйўлчилар, нафақадаги соҳа ходимлари хонадонларига бориб, темир йўл раҳбарияти табригини етказиб, пул мукофотлари ҳамда эсдалик совғаларини топширишмоқда. Афғон уруши ва Чернобилъ

фожеасида иштирок этган темирйўлчилар ҳам Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ҳамда минтақавий темир йўл узелларидаги касаба уюшмаси қўмиталари томонидан моддий рағбатлантирилиб, совғасаломлар берилди.

Рустам ҲАЙДАРОВ

САНА МУНОСАБАТИ БИЛАН

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ ТЕХНИКАСИ МУЗЕЙИ: ТАШРИФ БУЮРУВЧИЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамиятига қарашли Тошкент темир йўл техникаси музейи пойтахтимизга ташриф буюрган маҳаллий ва хорижий меҳмонларнинг сеvimли масканларидан бирига айланган.

Бу ерда ўз даврида мамлакатимиз темир йўлларида ҳаракатланган паровоз ва вагонлардан тортиб, тепловоз ҳамда электровозларни ҳам учратиш мумкин. Узоқ тарих ва ўтмишни ўзида мужассам этган бу муҳташам музей қарийб икки гектар майдонни эгаллаган бўлиб, бу ерда ўтган аср бошларида Россия, АҚШ, Германия, Чехословакияда ишлаб чиқарилган турли русумдаги паровоз, тепловоз ва электровозлар, вагонлар ҳамда таъмирлаш-қурилиш техникасининг энг ёрқин намуналари мустаҳкам ва сифатли ҳолатда сақланиб келинмоқда. Тошкентнинг диққатга сазовор масканларидан бири бўлган ва темир йўлларимиз тарихини ўзида мужассам этган ҳудуд ҳар биримиз учун нақадар қадрли ва қимматли эканлигини у ерга ташриф буюрган чоғимизда диддан ҳис қилишимиз шубҳасиз, албатта.

Музей ичида Ўзбекистон темир йўлларини барпо этиш тарихини ҳикоя қилувчи Вагон музейи ҳам мавжуд. Унда Ўрта Осиё ҳудудида илк темир йўлнинг қурилиши тарихи билан боғлиқ турли хил фотосуратлар, хариталар, ўша даврда ишлатилган алоқа воситалари, темирйўлчиларнинг ўтмишдаги хизмат кийимлари, хавфсизликка оид экспонатлар бор. Улар ташриф буюрувчиларда катта таассурот уйғотди.

Хусусан, музейда очиқ осмон остида 44 та экспозиция, темирйўлчиларнинг ҳаётидан олинган 2 мингдан ортиқ фотосурат, архив ҳужжатлари ва албатта, темирйўлчилар фойдаланган қадимий асбоб-ускуналар сақланади. Музей ҳудудида ҳақиқий тор йўлли темир йўл ва ТУ7А локомотиви фаолият кўрсатади.



Темир йўл техникаси музейи ходимлари экспозицияларни меҳр билан асраб-авайлаб, тарихга қизиққан меҳмонлар сонини оширишга ҳаракат қилмоқда. Алоҳида эътибор мактаб ўқувчиларининг йўл транспорти билан таништириш ва қизиқтиришдир.

Шунданми, нафақат пойтахт ва республикамиз аҳолиси, балки жаҳоннинг турли бурчакларидан мамлакатимизга келган сайёҳлар ҳам Темир йўл техникаси музейини бир бор кўриб, бу ердаги экспонатларни томоша қилишга ошиқишади.

1989 йил 4 августда Ўзбекистон темир йўлларининг юз йиллик юбилейи муносабати билан очилган музей яқин йилларгача Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида ягона Темир йўл техникаси музейи бўлиб келган. Бугунги кунда музей Бутунжаҳон темир йўл йўналиши бўйича техник музейлари

ассоциациясининг аъзоси бўлиб, намоиш этиладиган ҳар бир экспонат билан дунёдаги энг машҳур музейлардан бирига айланди.

Музей ҳудуди ободонлаштирилган сари, бу ерга келувчиларнинг, айниқса, болажонлар ва хорижлик сайёҳларнинг қадами узилмаяпти.

Ташриф буюрувчилар орасида хорижлик фахрий меҳмонлар ҳам кўпчиликини ташкил этади. Улар орасида АҚШнинг собиқ элчиси Жозеф Пресли, Испаниянинг “TALGO” компанияси раҳбари К.П.Ориоль, Туркия Республикаси элчиси Камол Асия, Франция, Хитой давлатларининг мартабали делегатлари ва Англия, Голландия, Германия, Россия, Япония, Канададан келган кўплаб сайёҳларда музей ва унинг экспонатлари катта таассурот қолдирди.

Ўтган асрнинг бошларида ҳаракатланган ва бугунги кунда ноёб бўлиб қолган паровозларни томоша қилиш ҳар биримизни хайратга

солиши шубҳасиз. Музейга ташриф буюрувчилар, айниқса, болалар, ёшлар қарийб бир аср аввал ишлаб чиқарилган ва ҳаракатланган паровозларни кузатиб, Ўзбекистон темир йўллари нақадар бой тарихга эга эканлигига яна бир бор амин бўлишади. Шунини ишонч билан айта оламизки, йилдан-йилга қадри ортиб бораётган музей келгусида ҳам мамлакатимиз аҳолиси ҳамда хорижлик меҳмонлар учун янада қадрли ва қимматли масканга айланиб бораверади.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, йил сайин замонавий қиёфа касб этаётган Тошкент темир йўл техникаси музейи шаҳримиз кўрқига кўрк қўшиб, ёшу қарининг сеvimли масканларидан бирига айланиб бормоқда. Айниқса, бу ерда сўнгги йилларда амалга оширилган ўзгаришлар келгусида ҳам ташриф буюрувчилар сонининг янада ортиб боришига замин яратади десак янглишмаймиз.

МАХСУС НАРХЛАРДА ЭКСПРЕСС КОНТЕЙНЕР ПОЕЗДЛАРИ ҲАРАКАТИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ

“Ўзтемирийўлконтейнер” акциядорлик жамияти ички контейнер ташувларини ривожлантириш бўйича доимий равишда логистика хизматлари фойдаланувчиларининг талабини ўрганиб келмоқда.



Хусусан, жамият томонидан 2022 йилда жорий этилган экспресс контейнер поездларида 25 минг “TEU” контейнерлар ёки 505 минг тонна юк ташилган бўлиб, 10 дан ортиқ йўналишларда 425 га ўқиб контейнер поездлари ҳаракати амалга оширилган.

Жорий йилда тадбиркорлик субъектларининг кўплаб талаб ва тақлифларини инobatта олган ҳолда, махсус тарифларда ички йўналишлар бўйича экспресс контейнер поездлари ҳаракати қайта тикланди.

СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

“Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали Иновацион марказида “Рақамлаштириш ва инновацион ғоялар” бўйича узел тасарруфидagi корхона ҳамда ташкилотларнинг Рақамлаштириш ва ахборот хавфсизлиги бўлими муҳандислари билан кенгайтирилган семинар ташкил этилди.



Семинар давомида “Қарши” станциясини “Ақли станция” концепциясида ривожлантириш бўйича тақлифлар кўриб чиқилди. Шу жумладан, сунъий интеллект технологиялари асосида вагон рақамларини автоматик аниқлаш, буш вагонларни мониторинг қилиш, хавфсизликни ошириш ва инсон омилини камайтириш бўйича ечимлар тақлиф этилди.

Илгиллишда барча ҳўжаликлар миқёсида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш бўйича инновацион тақлифлар ҳам илгари сурилди.

Мазкур тақлифлар асосида янги лойиҳа ва дастурлар ишлаб чиқиши ҳамда тегишли бўлимлар билан ҳамкорликда амалга оширилиши режалаштирилди.

ФАХРИЙЛАР БИЛАН ДАВРА СУХБАТИ

“Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи Ф.Гиязов, Худудий касаба уюшмаси кўмитаси раиси Ғ.Даминов ва узел бошланғич Касаба уюшмаси кўмитаси раиси Б.Аҳадовлар иштирокида Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан фронт орти меҳнат фидокорлари, байналминал жангчилар, Чернобиль фожеаси иштирокчилари узелга тақлиф этилиб, давра суҳбати уюштирилди.



Тадбирда узел бошлиғи барча нурунийларни байрам билан табриклаб, ўз самимий тилакларини билдирди.

УЗЕЛ БОШЛИҒИ УРУШ ҚАТНАШЧИСИ ХОНАДОНИДА

“Қўқон минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи Б.Милладжанов, Худудий касаба уюшмаси кўмитаси раиси М.Мирҳамзаев, “Қўқон” локомотив депоси бошлиғи М.Салимовлар “Қўқон” локомотив депоси пенсионери, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, темир йўл соҳасида фидокорона хизмат қилган Усмонжон ота Раҳимовнинг хонадонига ташриф буюришди.



Усмонжон ота билан Ватанимиз тинчлиги ва мустакиллиги йўлида жонини фидо қилган отабоболаримизнинг улкан жасорати, матонати ва фидойилиги ҳақида суҳбатлашилди. Уруш даврида бирга хизмат қилган ва ҳалок бўлган ватандошларимиз ҳам ёдга олинди.

ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР



“КУНХЎЖА” СТАНЦИЯСИДА ЎРГАНИШ ВА ТАФТИШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ

“Темирийўл инфратузилма” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси С.Норқабилиловнинг 2025 йил 18 март кунидаги “Участкаларда ишларни ташкиллаштириш, камчиликларни бартараф этиш тўғрисида”ги 232-ЖДС-сонли буйруғига асосан “Қўнғирот минтақавий темир йўл узели” филиали бош муҳандиси Т.Алламбергенов бошчилигида узел таркибидagi тегишли корхоналар раҳбарлари ва бўлим бошлиқлари томонидан тасдиқланган режага асосан “Кунхўжа” станциясида ўрганиш ва тафтиш ишлари амалга оширилди.

Тафтиш давомида поездлар ҳаракати хавфсизлигининг таъминланиши, инфратузилма ва иншоотларнинг аҳволи кўздан кечирилиб, керакли чора-тадбирлар белгиланди ва тегишли кўрсатмалар берилди.

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг 1255-Н-сонли буйруғи ижросини таъминлаш, тадбиркорлар билан ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш ҳамда темир йўл транспортидан фойдаланишда қулайликлар яратиш мақсадида “Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи Ф.Гиязов ҳамда узелнинг Юк ташиш ва станциялар билан ишлаш бўлими бошлиғи Ш.Қодировлар Термиз логистика марказида юк ортиб-туширувчи тадбиркорлар билан учрашди.

Мазкур учрашувда юк ташиш ҳажмини ошириш, логистика хизматлари сифатини янада яхшилаш, шунингдек, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида фикр алмашилди.



Шундан сўнг узел бошлиғи қўшни давлатлардан транзит тариқасида кириб келаётган вагонлардаги юкларни боғжона ходимлари томонидан чуқурлаштирилган боғжона кўритгидан ўтказиш жараёни билан танишди.

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ САЛОМАТЛИГИ БЕМОРЛАР САЛОМАТЛИГИНИНГ АСОСИДИР

“Тиббиёт ходимлари саломатлиги – беморлар саломатлигининг асоси” номли таймийл асосида Марказий клиник касалхонаси, Марказий поликлиника ҳамда Йўл болалар касалхонаси ходимлари учун соғломлаштирувчи дам олиш ташкиллаштирилди.

Мазкур ташаббус Касаба уюшмаси кўмитаси томонидан амалга оширилиб, жамоа Зоминнинг сўлим табиати бағрида, тоза ҳаво ва сокин муҳитда бир неча кунлик дам олиш имкониятига эга бўлди.



Бундай ташаббуслар ходимларнинг жамоавий руҳини мустаҳкамлаш, уларнинг меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилади.

УРГУТ ТУМАНИДА ҚУРИЛАЁТГАН ЯНГИ ТЕМИР ЙЎЛ ВОКЗАЛИ ЛОЙИҲАСИ КЎЗДАН КЕЧИРИЛДИ

“Ўзтемирийўлўловчи” акциядорлик жамияти раҳбарияти Ургут тумани ҳокими билан ҳамкорликда Ургут туманида режалаштирилаётган янги темир йўл вокзали лойиҳаси билан танишди.

Ташриф давомида лойиҳа доирасида амалга оширилиши кўзда тутилган ишлар, лойиҳанинг замонавий инфратузилма талабларига мослиги ҳамда ҳудудда йўловчилар учун яратиладиган шароитлар муҳокама қилинди.

Мутасаддилар томонидан лойиҳа бўйича ахборот берилди. Жумладан, келгусида бажарилиши режалаштирилган ишлар, мавжуд имкониятлар, лойиҳанинг иқтисодий самарадорлиги ҳамда келгусида йўловчи ташиш поездларига қўйилиши мумкин бўлган нарх-наволар тўғрисида сўз борди.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАҚСАДИДА СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ ЎТКАЗИЛДИ

Марказий поликлиника Касаба уюшмаси кўмитаси ҳамда Ёшлар иттифоқи ҳамкорлигида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, ишчи-ходимлар ўртасида дўстона муҳит яратиш ва уларни жисмоний фаолликка жалб этиш мақсадида спорт тадбири ташкил этилди.

Тадбир доирасида дартс, сакрамачоқ сакраш ва боулинг йўналишлари бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Унда поликлиника ходимлари фаол иштирок этиб, ўз жисмоний салоҳиятини намоён этдилар. Ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, 1-, 2- ва 3-ўрин эгаларига эсдалик совғалари топширилди.



Мазкур тадбир ходимларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, спортга бўлган қизиқишини оширишга ҳамда кайфиятини кўтаришга ёрдам беради.

“ЎЗБЕКИСТОН” ЛОКОМОТИВ ДЕПОСИДА ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ

Тадбир доирасида нафақадаги собиқ темирийўлчилар ва катта ёшдаги фахрийлар депо раҳбарияти томонидан самимий кутиб олинди. Уларга меҳр-оқибат кўрсатилиб, хизматлари юксак қадрланиши яна бир бор намоён бўлди.



Тадбирда депо бошлиғи Э.Омонкулов сўзга чиқиб, фахрийларга ўз миннатдорчилигини билдирди. У ўз нутқида уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларининг юртимиз равнақиға қўшган бекиёс ҳиссаси ҳақида тўхталиб, уларнинг жасорат ва фидойилигини ёдга олди.

Тадбир иштирокчилари “Мангулик олови” ёдгорлиғига ташриф буюриб, урушда ҳалок бўлганлар хотирасига ҳурмат баҳо келтиришди ва гулчамбарлар қўйишди. Бу ҳолат юртдошларимизнинг тарихга, ўтган авлод жасоратига бўлган чуқур ҳурматини акс эттирди.

Мазкур тадбир депо жамоасининг фахрийлар олдидаги бурчини унутмаслиги, хотирани ардоқлаш, ёш авлодга ибрат бўлишдек юксак мақсад йўлида амалга оширилган эзгу ташаббус бўлди.

ХОТИРАГА БАҒИШЛАНГАН СПОРТ МУСОБАҚАСИ

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбарияти ва Худудий касаба уюшмаси кўмитаси ташаббуси билан марҳум Абдулла Тўйчиев хотирасига бағишланган спорт мусобақалари ташкил этилди.

Тадбир доирасида “Қарши” вагон депоси ва “Қарши” локомотив депоси стадионларида эркалар ўртасида мини-футбол мусобақаси ҳамда “Қарши” локомотив депоси спорт залида аёллар ўртасида волейбол мусобақаси бўлиб ўтди. Беллашувлар юқори кайфият ва қизгин рақобат остида ўтди.

Турнир нафақат спорт, балки меҳнат фидойиларини ёд этиш, ёш авлодни ватанпарварлик ва меҳнатга садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилди.



“Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали бошланғич Касаба уюшмаси кўмитаси томонидан узел корхона, ташкилот ва муассасаларида узоқ йиллар самарали меҳнат қилиб, нафақага чиққан ва ҳозирда ишламайдиган фахрийлар, ногиронлиги бор нафақахўрлар ҳамда 1 нафар фронт ортида хизмат қилган Ишбута бобо Ибрагимов уйлариға бориб, ҳолидан хабар олиб, уларга манзилли ёрдам кўрсатилди.



НА ДОРОГАХ МИРА

ЖЕЛЕЗНЫЕ ДОРОГИ ИРЛАНДИИ ПРИОБРЕТУТ 150 ГРУЗОВЫХ ВАГОНОВ

Железные дороги Ирландии (Iarnród Éireann, IE) подписали с британской компанией WH Davis рамочное соглашение на поставку грузовых вагонов, которое предусматривает возможность приобретения до 400 ед. в течение 10 лет. Первый твердый заказ включает 150 вагонов стоимостью порядка 44 млн евро, они постепенно заменят устаревший подвижной состав, срок эксплуатации которого подходит к концу (некоторые вагоны использовались около 50 лет). Грузоподъемность новых вагонов массой от 17 до 20 т составит от 62 до 65 т, что на 33 % выше, чем у используемых. Новые вагоны рассчитаны для движения со скоростью до 110 км/ч.

Сборка вагонов будет выполняться на заводе WH Davis в графстве Ноттингемшир (Англия). Поставка первых единиц намечена на лето 2026 г., ввод в эксплуатацию состоится в течение 2027 г. после проведения необходимых испытаний.



Соглашение является частью стратегии IE по развитию грузовых перевозок, направленной на борьбу с изменениями климата. Согласно прогнозам, ввод в эксплуатацию 400 новых вагонов позволит организовать обращение до 100 дополнительных грузовых поездов в неделю.

Вагоны постройки WH Davis могут быть задействованы на восстановленной линии Лимерик – порт Фойнс длиной 42 км. Весной 2026 г. IE планируют возобновить на ней движение грузовых поездов, которое прекратилось в 2001 г.

АМТРАК ПРИСТУПИЛ К РЕКОНСТРУКЦИИ ДЕПО В СИЭТЛЕ

Оператор пассажирских перевозок Amtrak (США) начал подготовительные работы по строительству на станции Кинг-стрит в Сиэтле депо площадью около 9300 м², предназначенного для обслуживания поездов локомотивной тяги Airo. Сборку этих поездов нового поколения компания Siemens Mobility ведет на своем заводе в Сакраменто (штат Калифорния). Ввод в эксплуатацию поездов Airo намечен на 2026 г., реконструкцию депо планируется завершить в 2027 г.



В депо появятся два обновленных пути, обустроенных для проведения работ по техническому обслуживанию и диагностике поездных систем, и один новый путь для мойки и экипировки.

В Сиэтле находится одно из шести депо, которые Amtrak готовит для обслуживания парка поездов Airo в количестве 83 ед. Аналогичные работы уже начаты в Филадельфии, контракты заключены на модернизацию депо в Бостоне и Вашингтоне, ведется подготовка к тендерам по обновлению депо в Нью-Йорке и Ренселлере (штат Нью-Йорк).

БРИТАНСКОГО ОПЕРАТОРА GREATER ANGLIA НАЦИОНАЛИЗИРУЮТ В ОКТЯБРЕ 2025 ГОДА

Министерство транспорта Великобритании и оператор пассажирских перевозок Greater Anglia подтвердили, что 12 октября 2025 г. компания перейдет под контроль государства в соответствии с программой правительства лейбористов, одобренной летом 2024 г.



Greater Anglia второй год подряд является лидером в отрасли по точности соблюдения расписания движения поездов. В 2024/2025 финансовом году компания перевезла 82 млн пассажиров в сообщениях, связывающих города Юго-Восточной Англии с Лондоном. Со времени начала работы в 2012 г. компания выполнила инвестиционную программу стоимостью 2 млн ф. ст., направленную на обновление парка подвижного состава и повышение качества оказываемых услуг.

Министерство транспорта подтверждает, что национализация активов Greater Anglia не будет сопряжена с какими-либо изменениями для пассажиров и не повлияет на качество их обслуживания. Все служащие компании перейдут в штат нового государственного оператора

ШИФОКОР МАСЛАХАТИ

ИССИҚ КУНЛАРДА ОФТОБ УРИШИ ВА СУВСИЗЛАНИШДАН ҚАНДАЙ САҚЛАНИШ КЕРАК?

Ёз мавсумида, айниқса, ҳаво ҳарорати кескин кўтарилганда инсон организми турли хавфларга дуч келади. Улардан энг кенг тарқалганлари – офтоб уриши ва сувсизланиш (дегидратация) ҳолатларидир. Бу ҳолатлар вақтинча ноқулайликдан тортиб, ҳаётга хавф солувчи оғир асоратларгача олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу муаммоларнинг олдини олиш ва улар юз берганда биринчи ёрдамни тўғри кўрсата олиш муҳим аҳамиятга эга.



Офтоб уриши нима ва унинг белгилари қандай?

Офтоб уриши бу тананинг ҳаддан ташқари қизиқ кетишидир. Ушбу ҳолат қуёшнинг инсон танасига узоқ вақт таъсир этиши ва нурларнинг танага тўғридан-тўғри таъсир қилиши натижасида юзага келиши мумкин. Унинг таъсири қуёш нурлари танага тушаётган пайтда ҳам, орадан бир неча соатдан кейин ҳам содир бўлиши мумкин. Офтоб уриши танадаги яллиғланиш реакцияларини фаоллаштиради ва бунинг натижасида турли органлар, уларнинг тизимлари билан боғлиқ муаммолар юзага келади. Унинг асосий – бош оғриғи ва айланиши, кўнгил айнаши, қусиш, тана ҳароратининг ошиши (39°C ва ундан юқори), терининг қизариши ва қуруқланиши, юрак уришининг тезлашиши, ҳушнинг йўқолиши каби белгилари бор.

Офтоб уриши ва иссиқлик ўтганини қандай фарқлаш мумкин?

Кўп инсонлар офтоб уришини иссиқлик ўтгани билан адаштиради. Улар бир хил: иссиқда узоқ вақт туриш натижасида ахволининг ёмонлашиши ҳисобланади. Иссиқлик ўтиши бошқа иссиқ муҳитда, масалан, ҳаммомда, ёпиқ хонада ёки тирбандликда қолган машинада содир бўлиши мумкин. Иссиқлик ўтганидан фарқли ўлароқ, офтоб уриши инсон танасига ультратрабнафа ш нурларининг бевосита таъсири натижасида юзага келади. Иссиқлик ўтиши ҳам офтоб уришининг бир тури бўлиб унинг оқибатлари соғлиқ учун хавфлидир.

Сувсизланиш белгиларини қандай аниқлаш мумкин?

Организмда суюқлик етишмаслиги натижасида оғиз қуриydi, чарчок ва бош айланиши рўй беради, сийдик ранги тўқлашади ва миқдори камаydi, тери ва лаблар қуруқлашади.

Қандай қилиб олдини олиш мумкин?

- Қуёш тўғри тушадиган пайтларда (соат 11:00 дан 16:00 гача) ташқарида юрмаслик;
- Юпка, енгил ва оч рангли кийим кийиш;
- Етарлича сув ичиш (кун давомида 2-3 литр);
- Газли ва таркибиди кофеин бор ичимликлардан сақланиш;
- Очiq ҳавода ишлаганда тез-тез сояга чиқиб дам олиш;
- Очiq жойларда шляпа ва соябон билан юриш.



Биринчи ёрдам қандай кўрсатилади?

Офтоб уришида жабрланувчини сояга ёки салқин жойга олиб ўтинг, совуқ суюқлик беринг (ҳўшида бўлса), совуқ суюқликли компресс қўйинг ва "Тёз ёрдам" қақиринг.

Сувсизланишда эса жабрланувчига суюқлик беринг (ихтиёрий ҳолда сув ёки регидратация эритмаси), дам олишини таъминланг, оғир белгиларда шифокорга мурожаат қилинг.

Офтоб уриши ва сувсизланиш – оддий ечимга эга, аммо ўз вақтида чора қўрилмаса, хавфли ҳолатлардир. Иссиқ кунларда содда эҳтиёт чоралари орқали жуда кўп нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мумкин. Вақтида қўрилган чора ҳаётни сақлаб қолиши мумкин.

Ж.ЖАЛИЛОВ,
Марказий санитария-эпидемиология
станцияси бош шифокори

СИЗ КУТГАН СУҲБАТ

ВАЛИЖОН ШАМШИЕВ: АРМОН БИЛАН ЯШАШ НОШКУРЛИКДИР, ШУ БОИС ТАҚДИРГА РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШ КЕРАК!



Таниқли кулги устаси, актёр **Валижон Шамшиев** ижодига қизиқадиган муҳлислар темирийўлчилар орасида ҳам кўп-лаб топилади. "Темирийўлчи" газетасининг бугунги меҳмони бўлган санъаткор билан суҳбатимиз сиз, азиз темирийўлчиларга манзур бўлади, деган умиддамиз.

Валижон Шамшиев 1975 йил 16 январь куни Андижон вилоятининг Марҳамат туманида туғилган. 1996 йили Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтининг "Актёрлик санъати" факультетини битирган. Иккинчи мутахассислик бўйича 2007 йил Тошкент давлат юридик университетининг сиртки бўлимини тамомлаган. Илк ижодий фаолиятини 1994 йилда "Мирзо" театрида бошлаган. Қизиқчилик дастури билан бирга, ўзбек кино санъатида кўплаб роллар ижро этган. Валижон Шамшиев "Санъат ва маданият фидокори" ва "Халқ таълими аълочиси" кўрак нишонларига сазовор бўлган. Шунингдек, "Ўзбекистон спорт устаси" унвони ва 4 ДАН қора белбоғ соҳиб. Оилали, 12 нафар фарзанднинг жонқур отасидир.

– **Валижон ака эркак кишига 40 хунар оз дейишади, шу маънода сиз ҳам кўп касбни ижодкорлардансиз. Масалан актёрлик, қизиқчилик, юрист, тадбиркор ва спортчи каби соҳалар билан шуғулланасиз. Айтгинчи, улардан қай бири сизга қадрлироқ?**

– Тошкент давлат юридик университетини битирган бўлсамда, бу соҳада расман фаолият олиб бормаганман. Бироқ ҳар бир инсон ўзининг юридик ҳуқуқларини библиши керак, деб ўйлайман. Чунки менга бу соҳа ҳаётим давомида жуда кўп маротаба фойда берган. Айниқса, ҳозирги кундаги раҳбарлик фаолиятимга ҳам фойдаси бўлмоқда. Санъаткор – бу истеъдод эгаси. Спорт соҳасида эса 4 ДАН қора белбоғ соҳибиман. Шотакан каратэ ассоциацияси президентиман. Касб-хунар қирраларимиз жуда кўп. Кўпчилик билмайдиган касбларимдан яна бири – боғбонман.

– **Шогирд тушган пайтларингиз ва ҳозирги шогирдларингиз ҳақида гапириб берсангиз?**

– Ҳозирги кунда менга кўпчилик "устоз" деб мурожаат қилади. Лекин битта сўзни кўп-кўп айтаверсангиз, бу сўзни маъноси йўқолиб қолади. Шунинг учун чин дилдан, фақат тилдан эмас дилдан чиқариб айтиш керак. Мен санъат йўналишида кимгадир "мени шогирдликка олинг", деб бормаганман. Аммо спортда

шогирд тушганман. Ёшлигимда юнон-рум кураши билан шуғулланганман. У пайтда мен шогирд сифатида ҳар бир устозимга ҳурматим баланд эди, ҳатто мактабдаги оддий ўқитувчиларимизга ҳам жуда катта ҳурмат билан қарар эдим. Доим ўзимни шогирд сифатида қабул қилардим. Ўқитувчи бор, устоз бор. Ҳозир ҳаммага бирдай умумий қилиб, устоз деб мурожаат қилинапти. Устоз деган сўзнинг қадри тушиб кетгандек, назаримда. Илгари устози бор дейилган бола қишлоқда ёки йигитлар, қизлар ўртасида ҳурматга эга бўлган. "Устозга борди" дегани, демак "битта касбни чуқур ўрганапти, илм оляпти, ҳунар ўрганапти", деб эл ичида бошқача қаралган. Ана шу нарсани сақлаб қолишимиз керак, назаримда. Мирзабек Холмедовга шогирд тушишим ҳам ажойиб бўлган. Устозим ўша пайтлар "Мирзо" театрини тузиш учун иқтидорли ёшларни қидириб, мени танлаб олганлар. Устоз сифатида уларни қаттиқ ҳурмат қиламан. Ўша пайтлар Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтида ўқирдим.

Ҳозирги шогирдлар тўғрисида фикрларим ҳам ёмон эмас. Самарқанд вилоятининг Иштихон туманидан Баҳодир Бердимуродов деган укамиз бор. Шу бола ҳам ҳозирги кунда қизиқчилар кўрик-танловининг Республика босқичида учинчи ўринни олди. У ерда жуда катта рақобат бор эди, шунга қарамайдан ҳаракат қилди. Яна кўплаб шогирдларим бор. Кўпчилиги мени "устоз" деб қақиради. Ҳатто Аваз Охун ҳам биринчи маротаба ёнимга келганида "сизга қизиқиб, санъатга кирганман", деган эди.

– **Касбга хиёнат деганда нимани тушунасиз?**

– Бирорта касбнинг эгаси бўлмоқчи бўлган инсон ўша касбни чуқурроқ ўрганмаслигининг ўзи касбга хиёнатдир. Оддий шифокорларни оладиган бўлсак, институтда ўқийётган пайтидан бошлаб эътибор бермасдан, уни чуқур



ўрганмасдан ўқилганлигининг ўзи касбга хиёнат қилишига олиб келади. Кўп касблар босқичма-босқич ўрганиб борилади. Бироқ бизнинг мен ўқиган институтда шундай устозлар бўлганки, "Сен ҳали саҳнага, саҳнада роль ўйнашга тайёр эмассан", деб айтишган. Лекин ҳозир тушунчалар ўзгариб кетди. Ҳозир ҳамма блогер, ҳамма тасвирчи, ҳамма режиссёр, ҳамма актёр. Уларнинг ўзлари ҳам барибир экранни олдида турганда ёки бўлмаса саҳнага чиқиб нималарнидир алжираб гапирётган пайтда "Ўзи миясини гапирялман", деган фикр миясининг бир чеккасидан ўтади. Шунинг учун институтимизда устозларимиз актиёрлик маҳоратини ўргатаётганда "Сен ҳали интервью беришга ёки роль ўйнашга тайёр эмассан", деб вақтида йўқ дейишарди. Интервьюдан бизни сақлашган ва бизда ҳам уялиш ҳисси бўлар эди. Ҳозир ҳам яхши санъаткорларда "Мен интервью берадиган даражада нима қилиб қўйибман", деган тушунча бор. Бизга ҳам устозларимиз шунинг сингдиришган. Мени устозларим бошқача қабул қилишган. Чунки олийгоҳга келишадиган аввал ҳам театрда ишлаб келганман. Ияделсон деган ўқитувчим бўлар эди, мени "Бу тугма артист", деб қўярди ва телевизорларда кўрса ҳам яхши фикрини билдирарди. Бошқа бирикита шогирдлари чиқиб қолган пайтда "Нимага бординг, нимани ўзгартирдинг, мана бу гапингда нима маъно бор, нима мантиқ, гапириб бери", деб соатлаб гапиртириб, пешоналаридан тер оқизворар эди. Ҳозир афсуски, бунақа нарсасга эътибор берилмай қўйди. Олдин интервью бериб, кейин роль ўйнашарди. Хиёнат сўзининг касбга нисбатан ишлатилишининг ўзи бу қатъи жоъаэдир.

– **Ҳаётда афсус ва армон қилган пайтларингиз ҳам бўлганми?**

– Мени ҳеч қанақа армоним йўқ. Сен туғилиб бўлдинг, ҳаётдан нолишга ҳақинг йўқ, деган фалсафа бор. Афсус, армон билан яшаш бу ношукрликка олиб келади. У тақдир бўлади. Одамзод ҳар битта тақдирга кўникиб яшаши керак ва ҳар хил воқеаликлардан чиройли ўтиб, олдинга қараб ҳаракат қилиш керак. Тўғри, ҳаётда баъзи бир нарсасга эришмаган жойларимиз бор. Баъзилар алдаб кетган алдовларга тушганмиз, лекин бундан биз эмас, улар азият

чексин.

– **Ҳар бир инсоннинг ўз ўрни бор. Сиз ҳаётингизда ўз ўрнингизни топдингизми? Ижоддан, оилангиздан розимисиз?**

– Албатта, меҳнатнинг тағи роҳат дейишади. Тинимсиз меҳнат қилган одам албатта, нимагадир эришади. Брюс Лини шогирдларига бир маслаҳати бор: "Сен сувга айлан, чунки сув тинмасдан ҳаракат қилади ва ўз йўлини топиб олади", дейди. Худди шундай мен ҳам ҳалигача тинимсиз ҳаракатдаман ва қайсидир маънода ўз ўрнимни топганман, деб айта оламан. Узоққа бормайлик, ўзимизни атрофимиздагилар ва қўшни беш-олтита мамлакатни оладиган бўлсак, қайси мамлакатта чиқмай барибир ўша ердагилар "Ия, ўзбек Жеки Чани" дейди, жуда бўлмаса, бошқа миллат вакиллари ҳам "Валижон" деб хурмат қилиб, эъзозлайди. Ўзимизни миллат вакиллари эса жуда севиб муҳлислик қилишади. Уларнинг сон-саногини билмайман. Шунинг учун мен энди қайсидир маънода ўз ўрнимни топдим деб биламан. Лекин ижодий фаолиятимда ҳали яна кўп ишлар қилиш ниятим бор. Оиламиздан розиман. Оила – муқаддас. Аёлим Сумаяхон билан қўша-қариб, бахтли бўлайлик.

– **Келажакда фарзандларингизни касб танлашида ўзини хоҳиш-истагига қўйиб берасизми ёки сиз айтган йўналишга мажбурлайсизми?**

– Асло, ҳеч қайси фарзандимни қайсидир касбни танлашига мажбурламайман. Лекин маслаҳат бераман. Биз энди ҳаётни кўпроқ кўрган инсон сифатида уларни тўғри тушунишимиз керак. Рост, шундай ота-оналар борки, қишлоқдан ташқарига чиқмаган, тан олиш керак, ўзимизнинг ота-оналар ҳам шундай бўлишган. "Санъаткор бўламан", деганимда "Қаерда бўлсанг ҳам тинч бўл, лекин мен бу соҳани билмайман, шунга сенга бир нарсаси деб маслаҳат ҳам, ёрдам ҳам беролмайман, ўзинг ҳаракатингни қил", деганлар. "Бўлди", деб ҳаракатимизни қилганмиз ва мана санъаткор бўлиб етишдик. Мен жуда кўп касбларга қизиқганим учун болаларим мендан маслаҳат олса, маслаҳатимни бераман. Қўлимдан келганича йўл-йўриқ кўрсатишга ҳаракат қиламан. Лекин ҳаммасини санъаткор бў-



лишини хоҳласам ҳам буни илоҳи бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун уларни кўнглига қарайман. Лекин ҳозирги кунда Муштарий қизим санъат соҳасини танлаган. Олдинига "Қўй болам, санъаткор бўлма, санъаткорлар ҳақида ҳар хил, айниқса, аёл санъаткорлар ҳақида турли гап-сўзлар юради", деб уни тўхтатган эдим. Аммо турмушга чиққанидан кейин турмуш ўртоғи Шаҳбозбек билан келиб, "Дада санъаткор бўлсак деган режаларимиз бор, бирга битта қўшиқ қилдик", деб қўшиқларини айтишган. Шундан сўнг ижодий фаолияти бошланиб кетди ва мана ҳозирги кунда таниқли санъаткорлардан бири бўлиб, "Лайли ва Махжун" номи билан халқимизга хизмат қилишяпти.

– **Раҳбар қавозимизда ишлашда бироз кийинчиликлар учраб турибдими?**

– Давлат ташкилотиди раҳбар вазифасида ишлашни ўзига яраша кийинчилиги бор. Ҳамма раҳбарларни ўзига яраша "принциплари" бўлади. Энг муҳими, жамоа аҳилилигини таъминлаб, олдинга қўйилган катта мақсадни аниқлаши, ҳодимларга яхши муносабатда бўлиб, уларни қўллаб-қувватлаши керак, деб ҳисоблайман.

– **Ўзбекистон темир йўллари муносабатингизни билмоқчи эдик...**

– Ўзбекистон темир йўллари йўловчиларни ташишда энг ишончли транспорт тури, деб биламан. Автомобиль йўлларини ҳам, ҳаво йўлларини ҳам биламиз. Ёғингарчилик бўлса, бошқа кўп йўللар анча йўлини йўқотади, лекин темир йўл ҳеч қачон йўлини йўқотмайди. Айтмоқчиманки, темир йўл ўз номи билан темирдек мустаҳкам бир йўлдир. Соҳада катта бунёдкорликлар бўлди. Ота-боболаримиз ҳаётини кўрдик ва кўп жойларга поездлар тез олиб бориб қўймоқда. Самарқандга, Бухорога, Андижонга, водий томонларга бир пасда етиб бораган поездда. Мен темир йўлда юришни яхши кўраман. Чунки поездда жуда кўп яхши нарсаларни фикрласак бўлади. Поезд ичида кетиш ўзига яраша завқли. Темир йўл ҳодимларига омад тилайман. Йўлларингиз доимгидек равон бўлсин!

Аваз ОМОНОВ
суҳбатлашди

МУАССИСЛАР:

"Ўзбекистон темир йўллари"
акциядорлик жамияти,
Ўзбекистон темирийўлчилари
ва транспорт қурувчилари
касаба уюшмаси
Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж.
Нарзуллаев З.Ф.
Сабилов Қ.С.
Юсупов Ж.З.
Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир
Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусахҳиҳ –
Умида ТҶИЧИБОВЕВА

Саҳифаловчи –
Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш.,
Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.

Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)

Қабулхона: (71) 236-48-92

Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 0139-рақам
билан 2007 йил 11 январда рўйхатга
олинган.

Газета тахририят компьютер
марказида саҳифаланди

ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-534

Босишга топширилди: 19:30

1 2 3 4 5 6

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида А-2 ҳажмда чоп этилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Адади: 1200